

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЗИЗОВА ФОТИМАХОН САИДБАХРАМОВНА**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИГА**  
**ИНГЛИЗ ТИЛИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРИНИ ЎРГАТИШНИНГ**  
**ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**  
**(инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси**  
**(инглиз тили)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Азизова Фотимахон Саидбахрамовна**

Олий таълим муассасалари талабаларига инглиз тили  
фразеологизмларини ўргатишнинг лингвомаданий хусусиятлари  
(инглиз ва ўзбек тиллари мисолида) ..... 3

**Азизова Фотимахон Саидбахрамовна**

Лингвокультурологические особенности обучения английским  
фразеологизмам студентов высших учебных заведений  
(на примере английского и узбекского языков) ..... 25

**Azizova Fotimakhon Saidbakhramovna**

Linguoculturological features of teaching of the English phraseological  
units to the students of higher educational establishments  
(on the example of the English and Uzbek languages) ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 51

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЗИЗОВА ФОТИМАХОН САИДБАХРАМОВНА**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИГА**  
**ИНГЛИЗ ТИЛИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРИНИ ЎРГАТИШНИНГ**  
**ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**  
**(инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси**  
**(инглиз тили)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/Ped53 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (uzswlu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Боқиева Гуландом Хисамовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Юсупова Шохидахон Жалолиддиновна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Курбанбаев Джавод Аминбаевич**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон  
миллий университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: uzswlu\_info@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Д.Ў.Хошимова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси, в.б. пед.ф.д., профессор

**Н.Ж.Исакулова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, пед.ф.д., доцент

**Л.Т.Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, пед.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда турли мамлакатлар ўртасида дипломатик муносабатлар, маданий-маърифий алоқалар, савдо-содиқ ишлари кўлами инглиз тили фразеологизмларини ўргатишнинг лингвомаданий хусусиятларини ўрганишга бўлган эҳтиёж янада кучаймоқда. Дунёда, жумладан, АКШ, Буюк Британия, Австралия, Россия Федерацияси, Индонезиянинг етакчи олий таълим муассаларида лингвистика, таржимашунослик, лингводидактика, методика нуқтаи назаридан фразеологик бирликларни нутқда тўғри қўллаш усуллари, фразеологик бирликлар, мақол ва маталларни лингвомаданий хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишни ўргатиш бўйича илмий тадқиқот иши олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатиш бўйича Алжирнинг Костантин университетига талабаларга инглиз тилидан араб тилига таржима қийинчиликларини бартараф этиш стратегиялари, шунингдек, идиомаларни инглиз тилидан араб тилига ва араб тилидан инглиз тилига таржима муаммолари, Индонезиянинг Мухаммадия Маланг университетига инглиз тилидан индонез тилига матнлардаги идиомаларни ўргатиш стратегиялари, Буюк Британиянинг Бирмингем университетига идиомалар ва сўз бирикмаларни инглиз тилидан араб тилига таржима қилиш стратегиялари ҳамда Амманнинг Ўрта шарқ университетига мақолларни таржима қилиш стратегиялари бўйича илмий тадқиқот олиб бориш алоҳида аҳамиятга моликдир. Шу сабабли инглиз ва ўзбек тили фразеологизмларини қиёсий ўрганиш орқали уни таржимага ўргатиш усуллари такомиллаштириш бу борада илғор хорижий тажрибаларни қўллаш ҳамда дидатик материалларни ишлаб чиқиш, фразеологизмларни тушунишга ва лингвомаданий хусусиятларини тўғри таржима қилишга мўлжалланган ўқитиш методларидан фойдаланиш заруриятини изоҳлайди.

Ўзбекистон Республикасида ёшларни чет тилларини ўрганишлари учун ҳар жиҳатдан билимли ва мустақил фикрли кишилар қилиб тарбиялаш юзасидан бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. «Мамлакатимизда бир неча хорижий тилларни билувчи замонавий кадрлар тайёрлаш, хорижий тиллар бўйича илмий ишлар олиб бориш, тил ўргатиш методологиясини такомиллаштириш лозимлиги»<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланган. Бунда инглиз тили фразеологизмларини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш талабаларда уларни таржима қилиш усуллари такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бунда инглиз тилидаги фразеологизмларни ўргатиш, инглиз ва она тилидаги фразеологизмларни қиёслаган ҳолда таржимага ўргатиш, уларнинг лингвомаданий хусусиятларини ўргатиш, лингвомаданий хусусиятга эга

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2018 йил 5 мартдаги Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Исоқхон Ибрат номидаги мактаб-интернатига ташрифидаги нутқи. Электрон ресурс: <http://www.uza.uz/oz/...prezidentimiz-is-okhon-t-ra-ibrat-mazhm>. Мурожат санаси: 26.11.2018 й.

фразеологизмларни ўзбек тилига таржимасида мос келадиган таржима усулларни танлашни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сонли ПФ, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2909-сонли ПҚ, 2017 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмлар борасидаги тадқиқотлар Г.Н.Хидирова, Б.Х.Реимов, Ж.Ш.Сафаров, К.Т.Бозорбоев, Б.Йўлдошев, Л.Ш.Умирова, Ш.Раҳматуллаев, Г.Ҳақимова, Г.И.Эргашева, А.А.Носировлар таҳлил қилган<sup>2</sup>.

Фразеологизмларни таржима қилиш муаммолари У.С.Абидходжаева, Х.А.Мадраимов, Ш.Абдуллаев, М.Собиров, Я.Ю.Арустамян, Г.К.Одиловлар томонидан олиб борганлар<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Хидирова Г.Н. Вариантность фразеологических единиц (на материале фразеологических словарей русского языка): Дис. ... канд.филол.наук. – Ташкент: Сам. Г.У. им. А.Навоий, 2000. – 122с. Реимов Б.Х. Фразеологические единицы английского языка, характеризующие эмоциональное состояние человека: Дис. ... канд.филол.наук. – Ташкент: УзГУМЯ., 2005. – 161 с. Сафаров Ж.Ш. Структура дипломатического дискурса и его лексико-фразеологический состав (на материале английского языка): Дис. ... канд.филол.наук. Самарканд: СГИИЯ, 2000. – 175с. Бозорбоев К.Т. Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари: Филол. фан. номз. ... дис. – Самарканд: СамДУ, 2001. – 144 б. Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал – услубий хусусиятлари: Дис. ... филол.фан.докт. – Тошкент: ЎзРФА, 1993. – 297 б. Умирова Л.Ш. Ҳозирги замон инглиз тилида феъл фразеологик парадигмаси. Филол. фан. номз. ... дисс. – Самарканд: Самарканд Давлат чет тиллари ин-ти, 2004. – 150 б. 87. Раҳматуллаев Ш. Фразеологик бирликларнинг асосий маъно турлари. Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар. – Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, 1955. – 27 б. 112. Ҳақимова Г.Э. Зоонимик компонентли фразеологик бирликларнинг структураларини ва семантик хусусиятлари (инглиз тили материали асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ, 2008. – 145 б. Эргашева Г.И. Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизм ва паремияларида гендер аспектининг қиёсий-типологик тадқиқи. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ЎзМУ, 2011. – 165 б. Носиров А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларидаги проverbs фразеологизмларнинг семантик-стилистик ва миллий маданий хусусиятлари: Филол. фан. док. ... дисс. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2016. – 282 б.

<sup>3</sup> Абидходжаева У.С. Национально-прагматический аспект при переводе фразеологических единиц: Дис. ... канд.филол.наук. – Ташкент: Национальный ун-т.Узбекистана им. М.Улуғбека, 2002. – 128 с. Мадраимов Х.А. «Кймиа-йи-йи са'адат» Абу Хамид Газали и его переводы на турки.: Дис. ... канд.филол.наук. – Ташкент: Ташкентский Гос. Ин-т. Востоковедения, 2000. – 184 с. Абдуллаев Ш.Д. Таржима асарларда фразеологизмлар семантикаси. – Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида: Филол.фан.номз. дисс.– Тошкент: ЎзРФАА. Навоий номидаги Тил ва адабиёт ин-ти, 2007. – 157 б. Собиров М. “Бобурнома”нинг инглизча таржималарида муаллиф услуби ва бадииятни қайта тиклаш муаммолари. (Лейди – Эркин, Бевериж ва Текстон таржималарининг қиёсий таҳлили асосида). Филол. фан. номз. дис.: Тошкент, А.Навоий номидаги Тил ва адабиёти институти. – 2002, 132 б. Арустамян Я.Ю. Лексико-семантические проблемы перевода романов Курта Воннегута с английского на русский: Дис. ... канд.филол.наук. – Ташкент, Национальный ун-т.Узбекистана им. М.Улуғбека, 2007. – 163 с. Одилова Г.К. Инглиз ва ўзбек мумтоз шеърини таржималарида адекватлик муаммолари: Филол. фан. номз. ... дис. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2011. – 153 б.

Фразеологизмларни таржимага ўқитиш методикаси билан боғлиқ тадқиқотлар Н.Б.Сапарова, Г.С.Констанзалар томонидан олиб борилган<sup>4</sup>.

Инглиз тилидаги фразеологизмларни ўзбек тили билан қиёслаган ҳолда таржима қилишга ўргатиш методикаси масаласи тадқиқ этилмагани боис мазкур мавзу билан боғлиқ илмий тадқиқот иши олиб боришни тақозо қилади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлари» банди доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** олий таълим муассасалари талабаларига инглиз тили фразеологизмларини ўргатишнинг лингвомаданий хусусиятларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмларнинг структуравий ва компонентлик фарқли томонларини аниқлаш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмларни лингвомаданий хусусиятлари бўйича таснифлаш;

талабаларнинг инглиз тилидаги фразеологизмларни билиш даражасини аниқлаш;

фразеологизмларни таржима қилиш жараёнида юзага келадиган қийинчиликларни аниқлаш;

фразеологизмларни таржима қилишга ўргатиш методикасини ишлаб чиқиш ва шу асосида тажриба-синов ташкил этиш, ўтказиш ҳамда натижаларни таҳлил қилиш.

**Тадқиқот объекти** олий таълим муассасалари талабаларига инглиз тили фразеологизмларини таржимага ўргатиш жараёни.

**Тадқиқот предмети** талабаларга инглиз тили фразеологизмларини ўқитиш шакллари, методлари ва воситалари.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларнинг ечимини топиш учун педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, педагогик мониторинг, сўровнома, математик-статистик таҳлил ва умумлаштириш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

фразеологизмларнинг инглиз тилида феълга, ўзбек тилида от ва сифатга тўғри келиши бўйича структуравий хусусиятлари ҳамда эмоционал-психологик ҳолати, инсон ҳаёти, турмуш тажрибалари, ахлоқий хусусиятлари, ташқи кўриниши, меҳнат фаолияти, ақлий етуклиги бўйича семантик хусусиятлари аниқлаштирилган;

---

<sup>4</sup> Сапарова Н. Б. Лингводидактические основы обучения студентов – казаков номинацентрическим пословицам русского языка: Дис. ... канд. пед. наук. – Ташкент, УзГУМЯ. 2001. – 168 с. Constanza Gerding-Salas. Teaching Translation Problems and Solutions // Translation journal. 2000. Vol. 4. No.3. – P. 1-14.

инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмлар географик номлар, тарихий иборалар, миллий либослар, ҳайвон ва ўсимлик номлари, ранглар миллий-маданий хусусиятлари бўйича тематик гуруҳлари аниқлаштирилган;

фразеологизмларни таржима қилишда матндан аниқлаш, экстралингвистик хусусиятлари бўйича лингвомаданий қийинчиликлари аниқлаштирилган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмларни мунозара ва ким чакқон дарси, топқир таржимон, такрорлаш, ким зўр, фразеологизмлар ҳаракатда каби методлар орқали таржима қилишни ўргатиш методикаси такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«Инглиз тилидаги фразеологизмларни ўргатиш бўйича машқлар тўплами» номли ўқув-услубий қўлланма нашр этилган;

«Инглизча-ўзбекча-русча фразеологизмларнинг қисқача луғати» нашр этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотдаги назарий ёндашувлар усуллар ва назарий маълумотлар ишончли манбалардан олинганлиги, талабаларга инглиз тили фразеологизмларини таржимасини ўргатишда лингвомаданий хусусиятларни шакллантиришнинг лингвистик ва дидактик омиллар асосида ёритилганлиги, тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик таҳлил усуллари ёрдамида асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фразеологизмлар бўйича олиб борилган тадқиқот ва унинг натижалари фразеология ҳақидаги билимларни ва бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишдаги стратегияларни чуқурлаштиради; тадқиқот натижасида олинган илмий маълумот, хулосалар фразеологизмларни лингвомаданий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таржима қилишни ўргатишда юзага келадиган қийинчиликларни камайтирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фразеологизмлар мазмунидаги рецептив ва продуктив машқлар, таржима машқлари, тил ва нутқ машқларидан «Оғзаки ва ёзма амалий таржима» ҳамда «Таржима назарияси ва лексикология» фанларидан маърузаларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олий таълим муассасаларининг таржимонлик факультетлари талабаларига инглиз тили фразеологизмларини ўргатишнинг лингвомаданий хусусиятларини билиш ва такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган назарий ва амалий натижалар асосида:

фразеологизмларнинг аниқлаштирилган структуравий ва семантик хусусиятларидан «Инглизча-ўзбекча-русча фразеологизмларнинг қисқача луғат»ини ишлаб чиқишда фойдаланиган (Инглизча-ўзбекча-русча фразеологизмларнинг қисқача луғати. – Тошкент: Фан ва технология, 2010. –

Б.160.). Натижада мазкур луғат инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмларни таржимасини топишга хизмат қилган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмлар географик номлар, тарихий иборалар, миллий либослар, ҳайвон ва ўсимлик номлари, ранглар миллий-маданий хусусиятлари бўйича аниқлаштирилган тематик гуруҳларидан А-1-219 рақамли «Таълим тизимида хорижий тил (инглиз) йўналишидаги олий таълим муассасаларида умумевропа компетенциялари (CEFR) бўйича С1, даражасини эгаллашни таъминлайдиган ўқув-услубий мажмуа яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 05 апрель 2018 йилдаги 89-03-1286-сон маълумотномаси). Натижада инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмлар тематик гуруҳлаштирилган;

фразеологизмларни таржима қилишда матндан аниқлаш, экстралингвистик хусусиятлари бўйича аниқлаштирилган лингвомаданий қийинчиликларидан ОТ-А1-53 рақамли «Таржима назарияси ва амалиёти факультети учун «Translation in Use» дарслигини яратиш ва нашр қилиш» мавзусидаги амалий лойиҳадан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 12 апрель 2018 йилдаги 89-03-1404-сон маълумотномаси). Натижада фразеологизмларни инглиз тилдан ўзбек тилга таржима қилишда юзага келадиган хатоликларни ўрганиш ва бартараф этишга хизмат қилган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмларни мунозара ва ким чакқон дарси, топқир таржимон, такрорлаш, ким зўр, фразеологизмлар ҳаракатда каби методлар орқали такомиллаштирилган таржима қилишни ўргатиш методикасидан 5120200 – таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари) таълим йўналиши бакалавриати ва 120000 – гуманитар фанлар бакалавриат таълим йўналишининг ДТСни ишлаб чиқишда фойдаланилган (O'zstandart agentligi Ўзбекистон стандартлаштириш метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2018 йил 5 майдаги 01/2645-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган фразеологизмларни таржима қилишни ўргатиш методикаси оммалаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 28 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан, 1 та услубий қўлланма, 1 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссер-тациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (4 та республика ва 1 та хорижий журналларда) нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 153 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Талабаларга инглиз фразеологизмларини ўргатишнинг назарий асослари» деб номланиб, лингвистикада фразеологизмларни ўрганиш ҳолати ўрганилди, фразеологизмларни лингвомаданий хусусиятлари, хорижий тилни ўқитишда фразеологизмларни таржима қилиш хусусиятлари таҳлил қилинган.

Лингвистикада инглиз тилидаги фразеологизмларнинг назарий асослари А.Кунин, ўзбек тилидаги фразеологизмлар Ш.Раҳматуллаев, А.Шомақсудов каби олимлар томонидан ўрганилган. М.Содиқова, А.И.Смирницкий, О.С.Ахманова, А.В.Кунин, Н.Н.Амосова, Н.М.Шанский, А.Д.Райхштейн ва В.Н.Телия фразеологизмларнинг турли жиҳатларини тадқиқ этганлар.

Инглиз тилида мақол ва маталлар, идиомалар фразеологизмларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ўзбек тилида мақол ва маталлар фразеологизмларнинг таркибий қисми бўлмай, балки халқ оғзаки ижодининг таркибий қисмидир. Матал билан мақол бир қарашда бир бирига ўхшаб кетади. Матал ҳам, мақол ҳам фикрни образли ифодалашга, нутқ мазмунини бойитишга ёрдам беради. Мақол билан маталнинг фарқи ўрганилганда, мақолларнинг тугал фикрга эга эканлиги, маталларнинг эса тугал фикрга эга эмаслиги ўрганилганда, уларнинг фикрни охиригача баён қилмай, унга ишора қилиши ойдинлашади. Маталда хулоса бўлмайди, унинг ўзи бирор хулоса чиқариш учун хизмат қилади. Масалан, мақол: *If you ran after two hares, you will catch neither* – *икки кемага оёқ қўйган зарқ бўлур. No rose without a thorn* – *гул тикансиз бўлмас, дур садафсиз. Rome was not built in a day* – *мусулмончилик астачилик. Матал: Can the leopard change his sports?* – *букурни гўр тузатади. Матал, мақолдан ташқари идиома ёки ибора ҳам бор. Ибора, бу – бирор тушунча ёки фикр ифодаловчи кўчма маъноли сўзлар бирикмаси. Ибора: It's Greek to me* – *бу ақлга сизмайди. To kick the bucket* – *жон бермоқ. The real McCoy* – *олмосдек қадрли нарса.*

Инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмларнинг лингвомаданий хусусиятлари таҳлил қилинди. Фразеологизмларнинг миллий-маданий хусусиятлари уларнинг экстралингвистик омилларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Экстралингвистик омиллар деганда, ижтимоий, иқтисодий, маданий шарт-шароитлар, функционал ва тилнинг ички структуравий ривожланиши шароитлари, фразеологик бирликларнинг ривожланиши ва ҳосил бўлишида катта аҳамиятга эга бўладиган, уларнинг миллий характерини

кўрсатиб беришга сабаб бўладиган омиллар йиғиндиси тушунилади. Инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам кўпгина фразеологизмлар халқнинг турмуш тарзини, анъаналарини, урф-одатларини, миллий хусусиятларини ифодалайди. Масалан, инглиз тилидаги *to throw up one's cap* ибораси ўзбек тилига *дўпписини осмонга отмоқ* деб ўгирилади, чунки бу ерда *cap* ва *дўппи* сўзлари икки халқнинг миллий спецификасини ифодалайди. Инглизлар учун ўзбекча *дўппи* сўзи умуман нотаниш ҳисобланади. Турли халқларнинг маданияти ва урф-одатлари, анъаналари турлича бўлганлиги сабабли, фразеологизмлари ҳам ўзига хос миллий характерга эга бўлади. Мисол учун, инглиз тилидаги *as red as a cherry* ибораси ўзбек тилига *гилосдек қизил* деб сўзма-сўз таржима қилинса, мулоқот иштирокчиси уни тушунмаслиги тайин, чунки ўзбек миллатида (тилида) *олмадай қизил ёки ширмой кулчадек қизил* деган ифода мавжуд. Инглиз тилидаги *as strong as a horse* иборасини ўзбек тилига *отдек бақувват* деб сўзма-сўз таржима қилсак, нотўғри бўлади, бу ибора ўзбек тилига *шердек кучли* шаклида келади, чунки ўзбеклар кучлилик, бақувватлик тимсолида *шер, фил* каби ҳайвонларни тасаввур қиладилар. Инглизларда эса бақувватлик, кучлилик тимсолида ҳайвонлардан *от* тушунилади.

Бугунги кунда гарчи хорижий тил яхши ўзлаштирилган бўлса ҳам, ўзга миллат маданиятини билмай туриб, ўзаро мулоқотга киришиб бўлмаслиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Бўлажак таржимон ўзаро маданий мулоқот пайтида суҳбатдоши феъл-атворини ўз миллий дунёқарашидан келиб чиқиб эмас, балки унинг маданияти нуқтаи назаридан талқин қила олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Фразеологизмлар ҳар бир халқ ҳаёти давомида тўплаган тажрибалардан келиб чиққан фикрларни образли ва ҳикматли ҳамда экспрессив тарзда ифодалайдиган иборалар йиғиндиси ҳисобланади. Ҳар бир тилда фразеологизмларнинг ўзига хос ифода шакллари мавжуд. Масалан, *бақа* гўштидан тайёрланган таом французларнинг энг лаззатли таоми ҳисобланади, демак, французларда *бақа* сўзи қатнашган иборалар ижобий маънода келади, худди шундай ҳолатни бошқа халқлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хитойликлар бундай фазилатни *илон гўштига* нисбат беришади, демак, хитойликлар *илон* сўзи қатнашган ибораларни ижобий маънода қабул қиладилар. Рус халқи илгари *от гўштини* емаган, мусулмонлар эса *чўчқа гўштини* истеъмол қилмаганлар. *Мол гўштини* дунёнинг ҳамма халқлари истемол қилади, лекин ҳиндлар емайдилар, чунки *сигирлар* улар тасаввурида муқаддас ҳайвон саналади. Ўзбек тилида *номаъқул бузоқнинг гўштини* емоқ иборасини биз салбий маънода тушунамиз, инглиз тилида эса *milch cow* (битмас-туганмас даромад манбаи), *sacred cow* (қадимги Мисрда сигирни улуғлашган, одамга нисбатан муқаддас шахс деган маъно ифодалайди) иборалари сигирни улуғлаб келади.

Ушбу маълумотларни ҳисобга олиб, биз географик номлар (*to carry coals to Newcastle, to carry owls to Athens* – дарё бўйида қудуқ қазима; *build castle in Spain* – сувга суянмоқ; сояга қараб бўй ўлчамоқ; *from Dan to Beerseba* – шаҳарнинг у бошидан бу бошигача), тарихий иборалар (*the war of Roses* –

династиялар уруши (XV асрда Ланкастерлар ва Йорклар династиялари ўртасидаги уруш) [Ланкастерлар гербида қизил атиргул, Йорклар гербида оқ атиргул бўлган]; *the Black Prince* – қора шахзода, чунки у қора шляпа кийиб юрган; *the Black Death* – қора ўлим (1348–1349 йилларда Европада вабо эпидемияси бўлган)), ранглар (*prove that black is white and white is black* – қоранинг оқлигини ва оқнинг қоралигини исботлашга ҳаракат қилмоқ; *as white as a sheet (death)* – докадек оқариб кетмоқ; *there is a black sheep in every flock* – беш кўл баробар эмас), ўсимлик номлари (*put not your hand between the bark and the tree* – эр-хотин уришар, нодон ўртага тушар; *as red as a cherry* – олмадай қизил; *little strokes fell great oaks* – кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни; *as sweat as a nut* – асалдек ширин), ҳайвон номлари (*tread on a worm and it will turn* – боссанг бақа ҳам»вақ» этади; *as strong as a horse* – филдай бақувват; *don't make a mountain of a molehill* – пашшадан фил ясамоқ; *old cat* – қари тулки; *like a cat on hot breaks* – оёғи куйган товукдай питирлайди), миллий либос номлари (*to fit like a glove* – узукка кўз кўйгандек; *there are hand and glove* – ораларидан қил ҳам ўтмайди) қатнашган фразеологизмларнинг ҳар бирини алоҳида тематик гуруҳ сифатида ажратдик.

Тадқиқот иши фразеологизмлар ва уларни таржима қилиш методикаси билан боғлиқ бўлганлиги боис, у уч нуктаи назардан кўриб чиқилди. Биринчидан, фразеологизм муаммоларига бағишланган ишлар. Бу масалалар Ж.И.Сафаров, Б.Х., К.Т.Бозорбоев, Б.Йўлдошев, Л.Ш.Умирова каби олимларимиз томонидан ўрганилган. Иккинчидан, таржима муаммолари бўйича Х.А.Мадраимов, С.Абидходжаева, М.Собиров, Н.Исамухамедовалар илмий изланишлар олиб борганлар. Учинчидан, чет тил ўқитиш методикаси бўйича Н.Б.Сапарова, Г.С.Констанзалар каби олимлар тадқиқотлар яратганлар. Диссертацияда мазкур тадқиқотлар ўрганиб чиқилган ва уларга илмий-танқидий муносабат билдирилган. Инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги фразеологизмларнинг муаммолари ҳар бир тилда мукамал ўрганиб чиқилган, аммо инглиз тилидаги фразеологизмларни ўзбек тилидаги фразеологизмлар билан қиёслаган ҳолда таржима қилишни ўргатиш методикаси ҳали ишлаб чиқилган эмас.

Фразеологизмларни таржима қилишга ўргатишда уч хил усулдан фойдаланилди: эквивалентлик асосида таржима қилиш, калька йўли билан таржима қилиш ва тасвирий усул йўли билан таржима қилиш. Турли методлар тўғрисидаги фикрларни ўрганиб чиқиб, қуйидагилар танлаб олинди: а) изланиш методи (талабаларнинг мустақил иши, адабиётлар билан ишлаш); б) машқлар ёрдамида ўргатиш методи; в) матн-таржима методи; г) интерактив методлар ва «Jigsaw» методидан ҳамда «Мунозара дарси», «Ким чакқон» дарси, «Топқир таржимон», «Аналогия», «Такрорлаш», «Қор коптокчалари», «Ким зўр» каби ўйинлардан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмларнинг ўзига хос хусусиятлари ва таржима муаммолари**» деб номланган иккинчи бобида инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмларнинг структуравий ва

компонентларнинг қиёсий таҳлил қилинган, ўқитишда фразеологик бирликларни танлаш принциплари ўрганилган, фразеологизмларни таржима қилишни ўргатишда юзага келадиган лингвомаданий қийинчиликлари ёритилган.

Талабаларда фразеологизмларни таржима қилиш жараёнида юзага келадиган қийинчиликларни ўрганиб чиқиш мақсадида фразеологизмларнинг структуравий ва семантик томонлари ҳамда инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмлар компонентлари қиёсий таҳлил қилиб чиқилди. Инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмлар структура бўйича тасниф қилинди. Инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирликлар феъл, от, равиш, сифат, сон, олмош, боғловчи ва предлогдан ташкил топган структуравий хусусиятлари бўйича ажратилди. Инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирликларни қиёслаб ўрганиш натижасида инглиз ва ўзбек тилларидаги структуралар сонида фарқ борлиги аниқланди. Инглиз тилида энг кўп структуралар сони 332 та феъллик фразеологик бирликлар бўлса, ўзбек тилида энг кўп структуралар сони 512 та отлик ва 433 та сифатли фразеологик бирликлар ҳисобланади. Энг кам ишлатиладиган структуралар инглиз тилида 3 та равиш, 2 та сон. Ўзбек тилида энг кам ишлатиладиган структуралар 9 та феъл, 10 та равиш ва 9 та олмошдир. Ўзбек тилида фразеологизмлар қўлланганда предлог ва боғловчиларнинг гап бошида ишлатилмаслиги аниқланди.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирликларнинг структуравий таҳлили икки тилнинг структуравий хусусиятлари ўзига хос характерга эгаллигини кўрсатди. Жумладан, уларнинг таркибидаги лексик бирликларнинг икки тилда мавжудлигини аниқлашга эришилди. Ушбу таҳлиллар инглиз тилида гапнинг кўпроқ сўз туркумларидан феъл билан, ўзбек тилида эса от билан бошланишини кўрсатди.

Мазкур бобда инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирликлар компонентлари қиёсий таҳлил қилинди. Ҳайвон номлари иштирокидаги иборалар таҳлил қилинишининг сабаби улар миллий-маданий хусусиятларни ифодаловчи фразеологизмларнинг катта қисмини ташкил қилади. Инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирликларнинг ҳайвон номлари иштирок этган компонентлари қиёсий таҳлили натижасида улар уч гуруҳга бўлинди: инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизмлари таркибида учрайдиган компонентлар; фақат ўзбек тилидаги фразеологизмлар таркибида учрайдиган компонентлар; фақат инглиз тилидаги фразеологизмлар таркибида учрайдиган компонентлар. Фразеологизмларни ҳайвон номлари иштирок этган компонентлар кўпчиликини ташкил этгани сабабли уларни алоҳида уч гуруҳга бўлиб ўрганилди (1-жадвалга қаранг).

Таҳлил натижасида, ўзбек тилидаги фразеологизмлар таркибида қисқичбақасимонлар, рептилиялар (судралиб юрувчилар), моллюскалар номлари учрамайди. Инглиз тилидаги фразеологизмлар таркибида эса ҳашаротлар, ўргимчаксимонлар ва сувда ҳамда қуруқликда яшовчи ҳайвонлар номлари учрамайди. Демак, инглиз ва ўзбек тилларидаги компонентлар доимо

бир хил бўлавермайди. Улар ўзгариб туради ва икки халқнинг миллий хусусиятларини ўзида акс эттиради. Шунини таъкидлаш керакки, ҳар бир халқнинг ўз миллий хусусиятлари, турлича қарашлари, ўз менталитети мавжуд. Инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологик маънолар ҳар икки тилда турлича талқин этилади. Чунки ҳар бир фразеологизм ўз маъно-мазмунига, алоҳида хусусиятига эга.

1-жадвал.

**Фразеологик бирликларнинг ҳайвон номлари иштирок этган  
компонентларининг қиёсий таҳлили натижаси**

№		Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизмлари таркибида учрайдиган компонентлар	Ўзбек тили фразеологизмлар таркибида учрайдиган компонентлар	Фақат инглиз тилидаги фразеологизмлар таркибида учрайдиган компонентлар
1.	Уй ҳайвонлари	8	2	1
2.	Ёввойи ҳайвонлар	3	3	5
3.	Қушлар	8	4	6
4.	Ҳашаротлар	2	3	-
5.	Балиқлар	1	1	2
6.	Рептилиялар	1	-	4
7.	Ўргимчаксимонлар	-	1	-
8.	Сувда ва қуруқликда яшовчи ҳайвонлар	-	2	-
9.	Қисқичбақасимонлар	-	-	1
10.	Моллюскалар	-	-	1
	Жами	23	16	20

Ўқитишда фразеологик бирликларни танлаш принциплари ўрганилди, фразеологизмларни инглиз тили қонуниятларига мослаб, А.В.Кунин томонидан тақдим этилган таснифига кўшилган ҳолда, фразеологик бирликларни мисоллар асосида турларга ажратилди. Барқарор сўз бирикмалари, идиомалар – умуман бўлинмайдиган, ажралмайдиган турғун бирикмалардир, уларнинг умумий маъноси таркибидаги сўзлар маъноларига боғлиқ эмас. Мисолларга мурожаат қиламиз: *To be all thumbs* – қўпол, бесўнақай одам; *Grin like a Cheshire cat* – оғзи қулоғида. Фразеологик бирликлар – улар умумий кўчма маънога эга бўлган ҳолда, компонентларининг маъно муносабатига кўра ажралмаслигини сақлаб қолади: *To paint the devil blacker than he is* – ваҳиманинг кўзи катта. Фразеологик бирикмалар – бу турғун бирикмалар, уларнинг таркибига эркин ҳамда фразеологик боғланган маъноларига эга сўзлар киради: *A bosom friend* – қадрли дўст; *Black frost* – қорсиз совуқ; *The blue blanket* – мовий осмон.

Биринчи бўлиб фразеологик бирликларни танлаш принциплари ўрганиб чиқилди. Бунда биз инглизча ва ўзбекча фразеологик бирликлар луғатлар асосида таҳлил қилиниб, семантикаси бўйича гуруҳларга ажратилди. Лексикани танлаш принципи асосида беш хил принцип танлаб олинди. Улар қуйидагилар:

1. Семантик принцип. 2. Стилистик жиҳатдан чекланмаслик принципи. 3. Фразеологик бирликлар ҳосил қилиш принципи. 4. Маълум бир мавзуга мувофиқлик принципи. 5. Частоталик принципи<sup>5</sup>.

Ҳар бирига мисол келтирамиз:

Семантик принцип. Эмоционал-психологик аҳволига кўра: *Love is blind* – *ошиқнинг кўзи кўр*. Инсон ҳаёти, турмуш тажрибаларига кўра: *Get a look at the elephant* – *қари билганни нари билмас*. Ахлоқий хусусиятларига кўра (такаббурлик): *Don't ride a high horse* – *бурнингни осмонга кўтарма*. Ташқи кўринишига кўра: *As like as two peas* – *икки томчи сувдек ўхшайди*. Меҳнат фаолиятига кўра: *No bees, no honey; no work, no money* – *машаққатсиз бахт келмас, меҳнатсиз тахт келмас*. Ақлий етуклик: *Know black from white* – *оқни қорадан ажрата олади*.

Стилистик жиҳатдан чекланмаслик принципи. *Has the cat got your tongue?* – *нима, тилингизни ютиб юбордингизми?*

Фразеологик бирликлар ҳосил қилиш принципи. Инглиз тилида энг кўп фразеологик бирлик ҳосил қилиш мумкин бўлган сўзлар, бу – *dog* (121), *cat* (89), *horse* (81), ўзбек тилида – *от* (153), *ит* (131), *туя* (87) ва *эшак* (75) сўзлари қатнашган фразеологик бирликлар.

Маълум бир мавзуга мувофиқлик принципи. 1) ҳайвон номлари: *like a cat on hot bricks* – *оёғи куйган товуқдай нитирлайди*; 2) географик номлар: *To send owls to Athens* – *дарё бўйида қудуқ қазимоқ, қовун полизга қовун кўтариб бормоқ*; 3) ранглар: *as red as a cherry* – *қизил-қизил олмадек*; 4) ўсимликлар: *a tree is known by its fruit* – *дарахтига кўра меваси*; 5) тарихий терминлар: *the Black Death* – *қора ўлим (Европадаги эпидемия, чума)*; 6) миллий либослар: *white caps* – *сувнинг мавж уриши*.

Частоталик принципи. Инглиз тилида энг кўп ишлатиладиган фразеологик бирликлар ҳайвон номлари билан боғлиқ экан. Инглиз тилида *dog, cat, cow, horse, sheep, pig, wolf, tiger, lion, bear, crow, snake* ҳайвонлари бўлса, ўзбек тилида *ит, эшак, мушук, сигир, қўй, от, туя, бўри, илон, бузоқ, ит, қуён, эчки, товуқ, сичқон, пашиша, ҳўкиз, қарга* каби ҳайвон ва жониворлар киради.

Фразеологизмларни таржима қилишни ўргатишда юзага келадиган лингвомаданий қийинчиликлар таҳлил этилди ва миллий-маданий хусусиятни ифода этувчи фразеологизмлар таржимаси мураккаблиги аниқланди. Миллий-маданий хусусиятга эга фразеологик бирликларни таржима қилиш учун, энг аввало, таржима қилинаётган тилнинг ва шу тилда сўзлашувчи халқнинг турмуш тарзини билиш муҳим. Ўқитувчи таржимани ўргатишда аввал талабаларга фразеологизмларнинг таржимасида қандай қийинчиликлар мавжудлигини айтиб ўтиши керак. Ушбу қийинчиликлар қуйидагича гуруҳларга ажратилди: а) талабалар фразеологизмларни тўғри таржима қилишлари учун луғат билан ишлашни, қандай турдаги луғатлардан фойдаланиш кераклигини, айнан қайси таржима вариантини танлаш

<sup>5</sup> Гальскова Н.Д., Гез Н.И. Теория обучения иностранным языкам. Лингводидактика и методика: учеб. пособие для студ. лингв. ун-тов и фак. ин. яз. высш. пед. учеб. заведений. – Москва: Академия, 2006. – 336 с.

кераклигини ўрганишлари ва энг муҳими, талаба икки тилда берилган мақол ёки ибора таркибидаги сўзларнинг таржимасини билиши, луғатда берилган вариант айнан шу матнга тўғри келиш ёки келмаслигини аниқлаши керак бўлади; б) фразеологизмлар таржимасидаги яна бир қийинчилик, бу – ибораларни матнда аниқлашдир; в) образлилик хусусиятига эга бўлмаган ва образлилик хусусиятига эга бўлган фразеологизмлар таржимасида баъзи қийинчиликлар юзага келади; г) миллий-маданий ва экстралингвистик хусусиятларга эга бўлган фразеологизмларнинг таржимаси, айниқса, талабаларда катта қийинчиликларни келтириб чиқаради; д) тўлиқ ва қисман тўғри келадиган эквивалентга эга бўлган фразеологизмлар таржимасидаги қийинчиликлар.

Диссертациянинг учинчи боби «**Фразеологизмларни таржима қилишни ўргатиш методикаси**» деб номланиб, мазкур бобда дарслик ва ўқув қўлланмалар таҳлил қилинган, талабаларнинг фразеологизмларни ўзлаштириш даражаси аниқланган, таржима жараёнидаги қийинчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилинди, тажриба-синов ва унинг натижалари келтирилди.

Илк дарслик ва ўқув қўлланмаларни таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларга келинди: дарслик ва ўқув қўлланмаларда фразеологизмларга бағишланган машқлар нисбатан кам учрайди, улар «Headway», «Practical Course in Translation» Volume I–II ўқув қўлланмаларида бир нечтаси келтирилган. Ўқитувчилар ва талабалар билан суҳбатлашиб, амалий таржима дарсларида ўқитувчилар турли хил журналлардан, интернет тармоғидан ва бошқа манбалардан маълумотлар тўплаб, дарслар олиб борилишини аниқладик. Ўқитувчилар томонидан дарс ўқув дастурида белгилаб берилган ўқув қўлланмалар бўйича олиб борилмоқда. Ўқитувчиларнинг ютуқлари шундаки, улар имкон борича турли мавзуларга оид матнларни танлаб олиб, шулар асосида дарс ўтмоқдалар. Дарсларнинг камчилиги фразеологизмларни таржима қилишга ўргатишга мўлжалланган машқлар камчиликни ташкил қилишидир. Дарслик, ўқув қўлланмалар ва машғулотлар кузатуvidан келиб чиқиб, талабаларнинг фразеологизмларни ўзлаштириш даражасини текшириб кўришга қарор қилинди.

Талабалар фразеологизмларни ўзлаштириш даражаси аниқланди. Тадқиқотнинг мақсади талабаларда фразеологизмларни таржима қилиш малака ва кўникмаларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашдан иборат. Талабаларга фразеологизмларни таржима қилишни ўргатишда машқлар системасининг самарадорлигини, бир томондан, матнларни таҳлил қилиб таржима қилиш, иккинчи томондан, тайёрлов машқларидан таржима машқларига босқичма-босқич ўтиш имконияти мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин. Машқлар системасининг чет тил миллий хусусиятларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Фразеологизмларни таржима қилишни ўргатишнинг асосий компонентлари ишлаб чиқилган машқлар системаси ва интерактив методлар ҳисобланади.

Тажриба-синов ишининг мақсади ишлаб чиқиладиган машқлар системаси ва замонавий педагогик технологиялар орқали талабаларда фразеологизмларни инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилишда юзага келадиган қийинчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этишдан иборат.

Тажриба-синов иши ўтказиш жойи: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда ўтказилди:

Ивланиш босқичи (2015 й.). Тадқиқот мавзуси юзасидан илмий адабиётлар ўрганилди. Талабалардан фразеологизмларни билиш даражаларини аниқлаш мақсадида анкета сўровномалари (тест шаклида) ўтказилди. Тест синови натижасида талабаларнинг фразеологизмларни билиш даражалари ва таржима қила олиш қобилиятлари аниқланди (тажриба-синов олди натижалари).

Тажриба-синов (2015-2016, 2016-2017 йилларда) яратилган ўқув материаллари асосида 3-4 курсда тажриба-синов ўтказилди.

Якуний тажриба-синов босқичи 2018 йилда ўтказилди. Бунда олинган натижалар таҳлил қилинди, хулосалар чиқарилди.

Тажриба-синов аввалида талабалар билан инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмларнинг ўзига хос хусусиятлари, икки тилдаги фарқли томонлари, фразеологик бирликлар, мақол ва маталлар орасидаги фарқ, фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари деганда нималарни тушуниши ва уларнинг аниқланиши, таржимада юзага келадиган қийинчиликлар тўғрисида суҳбат ўтказилди. Суҳбатдан сўнг талабалар томонидан билдирилган фикрлар ўрганиб чиқилиб, топшириқлар берилди.

Тажриба-синов давомида беш турдаги топшириқлар таклиф қилинди. Бу топшириқлардан мақсад талабалар фразеологизмларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш ва уларнинг таржимада қандай қийинчиликларга дуч келиши ва фразеологизмларни қай даражада билишларини аниқлашдан иборат эди. Материал танлашда талабаларнинг кундалик ҳаётида қўлланиладиган фразеологик бирликларни танлаб олишга ҳамда фразеологик луғатлардан фойдаланишга ҳаракат қилинди.

Талабаларга беш турдаги топшириқ берилди:

1) Инглиз тилидаги фразеологик бирликлар, мақол ва маталларнинг ўзбек тилида берилган тўғри таржимасини аниқлаш;

2) Ўзбек тилидаги фразеологик бирликларнинг инглиз тилидаги тўғри таржимасини аниқлаш;

3) матн мазмунига мос фразеологик бирликни танлаш;

4) фразеологик бирликларга мос келадиган гапни аниқлаш;

5) гапда тушиб қолган фразеологик бирликни топиб қўйиш.

Тажриба-синов олди натижалари таҳлилидан сўнг талабаларнинг фразеологизмларни қўллашда кўпроқ қўйидаги кўринишдаги машқларда хатоликларга йўл қўйганликлари аниқланди: талабалар инглиз тилидаги фразеологизмларнинг ўзбек тилида берилган тўғри таржимасини аниқлашда,

Ўзбек тилидаги фразеологик бирликларнинг инглиз тилидаги тўғри таржимасини аниқлашда, гапда тушиб қолган фразеологик бирликни топиб қўйишда энг кўп хатога йўл қўйганликлари аниқланди. Талабаларнинг фразеологизмларни билиш даражасининг сифат ва миқдорий кўрсаткичи жадвал кўринишида берилди (2-жадвалга қаранг).

**2-жадвал.**

**Талабаларнинг фразеологизмларни билиш даражаси бўйича сифат ва миқдор кўрсаткичи**

<b>Топшириқлар</b>	<b>Йўл қўйилган хатолар сони %</b>	<b>Талабаларнинг фразеологизмларни билиш даражаси %</b>
Инглиз тилидаги фразеологизмларнинг ўзбек тилида берилган тўғри таржимасини аниқлаш	72	28
Ўзбек тилидаги фразеологик бирликларнинг инглиз тилидаги тўғри таржимасини аниқлаш	76	24
Матн мазмунига мос фразеологик бирликни танлаш	34	66
Фразеологик бирликларга тўғри келадиган гапни аниқлаш	32	68
Гапда тушиб қолган фразеологик бирликни топиб қўйиш	75	25

Тажриба-синов давомида таржима жараёнидаги қийинчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилинди ва амалий таржима ва амалий инглиз тили дарслари жараёнида фразеологизмларни ўргатишда машқлар тизими асосида фразеологизмларни ўргатишга ҳаракат қилинди. Фразеологизмларни таржима қилишга ўргатишни машқ ёрдамида, матн-таржима методи ҳамда интерактив методлардан фойдаланиб ҳал қилишга ҳаракат қилинди. Машқлар тизими ўз ичига икки турдаги машқларни олади: тайёрлов машқлари ва нутқ машқлари. Машқлар системасини қўллаш 3 босқичда ўтказилди. Булар ёд олиш, англаш ва мустаҳкамлаш (ўйинлар асосида) босқичларидир. Ёд олиш босқичида, талабаларда фразеологизмлардаги нотаниш сўзларни луғат ёрдамида таҳлил қилиб чиқиш ва ёдлашдан иборат. Англаш босқичида, талабалар машқларни бажараётиб фикрлаш, таҳлил қилиш, таржима жараёнида тўғри таржима вариантларини топа билиш, матнларни, фразеологизмлар, мақол ва маталларни ўқиб, маъносини таҳлил қилиш кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат. Мустаҳкамлаш босқичида, талабалар ўрганган ибора, мақол ва маталларни ўйинлар асосида мустаҳкамлаб олишдан иборат бўлди. Интерактив методлардан бирига «Фразеологизмлар ҳаракатда» деб ном берилди ва бир кичик сахна кўриниши сифатида таклиф этилди. Ушбу ўйиннинг мақсади инглиз тилидаги фразеологизмларни нутқда қўллаган ҳолда, кичик бир сахна кўринишида тушунтириб беришдир. Бунда қайси таржима усули қўлланганлигини гуруҳ етакчиси тушунтириб беради. Бунинг учун ўқитувчи

томонидан инглиз тилидаги нутқда кўп учрайдиган фразеологизмлар танлаб олинади. Уларни карточкаларга ёзиб доскага қўйилади ёки слайдлар шаклида тайёрланиб, проектор орқали намойиш этилади.

Диссертацияда бир нечта мисоллар карточкаларда келтирилди.

Биринчи босқич. Дарс бошладан аввал ўқитувчи томонидан миллий-маданий хусусиятни ифодаловчи фразеологизмлар талабаларга тақдим этилди. Миллий-маданий хусусият тушунчаси нима, мазмун-моҳияти, фразеологик бирликлар, мақол ва маталлар, иборалар, уларнинг таржима усуллари, таржима жараёнида қандай қийинчиликлар юзага келиши мумкинлиги юқорида келтирилган назарий ва амалий хулосаларга асосланиб маълумот берилди.

Иккинчи босқич. Дарснинг бориши. 1. Берилган фразеологизмлардан биттасининг инглиз тилидаги маъноси тушунтириб берилади. Масалан: *top banana (it means the most important person in an organization (informal))*. 2. Талабалар гуруҳларга бўлиниб ишлайдилар. Ҳар бир гуруҳга биттадан фразеологизм берилади. Ҳар бир гуруҳнинг фразеологизм маъносини тушунишива муҳокама қилиб тайёрланиши учун 15 дақиқадан берилади, улар фразеологизмнинг маъносини бир кичик сахна кўринишида тушунтириб беришлари керак. 3. Ҳар бир гуруҳ тайёрлаган сахна кўринишини бутун гуруҳга намойиш этади.

Учинчи босқич. Бунда гуруҳдаги талабалар муҳокамадан сўнг, доскада келтирилган фразеологизмлардан қайси бирига тўғри келишини топишлари керак бўлади. Ҳар бир гуруҳ етакчиси гуруҳга берилган фразеологизмни доскага чиқиб, қайси таржима усулини қўллаб таржима қилганини, таржима жараёнида юзага келган грамматик, семантик ва стилистик қийинчиликларни тушунтириб беради. Масалан, биринчи гуруҳ талабаси шундай тушунтирган: «*A black hen lays a white egg*» – бу мақол «*Қора сизир оқ сут берад*» деб таржима қилинганда, грамматик структураси жиҳатдан фарқи маълум. Гап тузилиши ва сўз таркибида озгина фарқ бор. Инглиз тилидаги гап тузилишига кўра сифат+от+феъл+сифат+от кўринишида берилган. Ўзбек тилида эса сифат+от+сифат+от+феъл кўринишида келган. Ўзбек тили гап тузиш қоидасига кўра феъл гапнинг охирида келади, инглиз тилида эса гап ўртасида келган. Демак, инглиз ва ўзбек тилларининг сўз тузиш қоидаси бир биридан бир мунча фарқ қилар экан. Ўзбек тилида биз феълни гап бошида ишлатмаймиз, инглиз тилида эса кўпинча гап бошида келади.

